



ANALYSIS OF HOLER STORIES DETAILS

Kuchkarova Hafiza Sherbabaevna¹, Furkat Soatov Rahimnazarovich²

¹ Doctoral student of the National University of Uzbekistan

E-mail: hafisakuchkarova@mail.ru

²Teacher of Tashkent Financial Institute, E-Mail: f.soatov@yahoo.de

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4720428>

ARTICLE INFO

Received: 23RD April 2021
Accepted: 25th April 2021
Online: 27^h April 2021

KEY WORDS

*Franz Hochler,
contemporary Swiss
storyteller*

ABSTRACT

Unique and working writer Franz Hohler in modern Swiss literature, his literary work and the main ideas raised in the writer's work

ХОЛЕР ҲИКОЯЛАРИ ТАФСИЛОТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Kuchkarova Hafiza Sherbabaevna¹, Furkat Soatov Rahimnazarovich²

¹ЎЗМУ докторанти, E-mail: hafisakuchkarova@mail.ru

²Тошкент Молия институти ўқитувчиси, E-Mail: f.soatov@yahoo.de

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 23-aprel 2021
Ma'qullandi: 25-aprel 2021
Chop etildi: 27-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

*Франз Ҳоҳлер, замонавий
Швейцария ҳикоянависи*

ANNOTATSIYA

Замонавий Швейцария адабиётида бетақроп ва меҳнаткаш адиб Франз Ҳоҳлер, унинг адабий ижоди ҳамда ёзувчи ижодидаги кўтарилган асосий ғоялар

Швейцар адиби Франц Ҳолер ижоди ҳозирги замон Швейцария адабиётида муҳим ўрин тутади, адиб ижодига диор илмий изланишлар бизнинг юртимизда фақатгина икки-учта мақола билан чегараланиб келган. Ҳолер прозаси ҳажман кичик бўлса-да, оҳанги жарангдор, инсон сезгилари орқали дунёни англаш, ифода усулларининг янги бадиий шакллари орқали XX аср насри ривожига инсоний тафаккур ва онгости сезгиларини янгича қарашларда талкин этади[1]. Аср бошидаёқ турли бадиий шакллар орқали оламни эркин идрок этишни тасвирлаш

урфга айланган бўлса-да, бу жихатлар аср ёзувчиларининг ҳар бирлари эплай оладиган иш эмас эди.

XX аср адабиёти воқеликни тасвирлаш жихатдан анъанавий ёндашувдан аллақачон воз кечган эдилар. Оламни тасвирлашга бўлган муносабат бирламчи вазифа қилиб олинган бир паллада, умумий мазмун баъзан бирламчи, баъзида эса иккиламчи, айрим ҳолларда эса майда деталнинг энг аҳамиятли бўлиши – диққат марказида бўлиб қолди, яъни 20-аср адабиётининг аксарият қисми



воқеа-ҳодисани баён қилишнинг анъанавийлигидан тобора халос бўлиб бормокда эди. Дунё қиёфасидаги нисбатлар ўзгариб борар, асосий эътибор иккиламчи масалага, умумийдан ўзига хосликка, бутундан тафсилотгача силжиб боради. Замонавий лирик насрнинг фарқи, метафора ва яширин метономик образларнинг йўқлиги, воқеликка ижтимоий-психологик маъно юклагандан, аксинча оддий, одатий аҳмият касб этиши, китобхон онгида гўё иккинчи даражали, тасодифий ҳолат сифатида шаклланса-да, ўз қийматини йўқотмаслик ҳолатидир[2].

Инсон психологияси швейцар ёзувчиси асарларида таъсирчан аҳамиятга эга бўлган ҳаракат орқали эмас, балки энг кичик, аҳамиятсиз кўринаадиган тафсилотлар орқали аниқланади, фақат баъзида билвосита характернинг кечинмалари ҳақида гувоҳлик беради[3].

Ҳолер насридаги тафсилотлар қаҳрамонларнинг ҳис-туйғулари ва кайфиятлари ҳақида далолат беришдан ташқари, уларнинг ички олами руҳиятини ҳам акс этади. Бу нафақат лирик ёки

психологик тафсилот, балки муаллифнинг дунёқарашини ифодаловчи восита бўлиб, шу йўл билан у нафақат қаҳрамон билан, балки муаллиф билан, муаллифнинг муносабати ва мавзуси билан боғлиқ бўлган дунёқараш деталидир[4].

Ф.Ҳолер насрининг асосий мавзуси мавжудлик муаммоси, унинг маъносини билмаслик, уни йўқотиш ва йўқотиш ҳақида ноаниқ тахмин қилиш ёки бу ҳақда ўйлашга журъат этмаслик билан белгиланиши ҳолатидир [5]. Ҳолер инсон ҳаётини гўё майда бўлақларга бўладики, ҳатто гоҳида инсоннинг ўзи ҳам бўлақларни бутун қилишга қурби келмайди, аммо бундан қайғурмайди, аксинча шунга суюнади, бошқаларга бир қарашда ҳеч қандай маъниси йўқ бўлган дам олиш кунидаги одатий сайрдаги ҳордиқ ҳам айнан байрамона кунлардан фарқ қилгани учун ҳам адиб қаҳрамонининг бахти ҳисобланади. Унинг лирик прозасидан китобхон оддий кундалик ҳаёт мазасини татиб кўришни ўрганади.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Michael Bauer, Klaus Siblewski. Franz Hohler. Texte, Daten, Bilder. Sammlung Luchterhand. 1993. S.8-9.
2. Вилисова Татьяна Геннадьевна. Немецкая историческая проза 70-80-х гг. XX века. Поэтика жанров. Автореферат. Нижний Новгород 2005. Стр. 25.
3. Heinz Ludwig Arnold (Hrsg.): Literatur in der Schweiz. Text & Kritik Sonderband, IX/98, München 1998, S.16.
4. Klaus Pezold (Hrsg.): Schweizer Literaturgeschichte. Die deutschsprachige Literatur im 20. Jahrhundert. Miltzke, Leipzig 2007, S.35.
5. Michael Bauer, Klaus Siblewski. Franz Hohler. Texte, Daten, Bilder. Sammlung Luchterhand. 1993. S.10-11.